



# Vaziyat

2023 йил  
25 май  
№ 21 (910)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулودда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



## ВАЗИР РАҲБАРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев раҳбарлигида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Чорвоқ" сув омбори ҳамда "Чорвоқ" гидроэлектрстанциясининг Фаолияти назорат тартибиди ўрганилди.


Ўрганиш давомида бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан мутасаддиларга зарур кўрсатма ҳамда тавсиялар берилди.

ФВВ Матбуот хизмати.



Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев ва унга бириктирилган бир гуруҳ ёшларнинг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

## НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ



## ОЧИҚ МУЛОҚОТ



Фавқулудда вазиятлар вазири ўринбосари полковник Х.Алибаев ФВВ Академиясига ташриф буюриб генерал-полковник К.Бердиев иштирокида ҳарбий хизматчи ва курсантларга яратилган шароит ва имкониятлар билан яқиндан танишди.

Ташриф давомида полковник Х.Алибаев томонидан Академия битирувчи курсантлари билан очик мулоқот ҳамда яқка тартибда суҳбат ўтказилиб, уларга тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Фахриддин РАҲИМОВ.



Тадбир давомида ёшларнинг ҳар бири билан индивидуал тарзда суҳбат ўтказилиб, истак ва муаммолари тингланди.

Ёшлар томонидан билдирилган таклифлар жойида ҳал этилиб, фикр-мулоҳазалар бўйича масъуларга тегишли топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди.

Бугунги кунда мазкур учрашуларни изчил давом эттириш, ёшларга ўз мақсад ва имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришда зарур ердамларни кўрсатиш асосий кун тартибидан жой олган.

ФВВ Матбуот хизмати.





## ЭЗГУ ТАШАББУС

Бош прокурор ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ботир Қудратходжаев ҳамда Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари Сарвар Мамаюсупов Фарғона туманидаги “Келажак ва бахт” номли оилавий Меҳрибонлик уйида бўлиб, болаларнинг яшаш шaroитлари билан яқиндан танишдилар ва уларга совға-саломлар тақдим этдилар.



Бундан ташқари, “Меҳр дафтари” платформасига киритилган Меҳрибонлик уйи собиқ тарбияланувчиси 28 ёшли Исаков Муҳриддинга Фарғона шаҳридан турар-жой тантанали тарзда топширилди.

Миллий гвардия Фарғона вилояти бўйича бошқармасида Миллий гвардия тизимида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи ва ходимларнинг фарзандлари иштирокида уч авлод учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ботир Қудратходжаев ва Сарвар Мамаюсуповлар вилоят Нурунийлар жамияти аъзолари ҳамда ёшлар билан суҳбат олиб бордилар.

Миллий гвардия Фарғона вилояти бўйича бошқармасида намунали хизмат қилаётган 62 нафар ҳарбий хизматчи ва ходимларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар тақдим этилди.

**Шерзод ҲАЙИТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия полковниги.

Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, яшаш шaroитларини янада яхшилаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сайёр қабул ташкил этилди.

## САЙЁР ҚАБУЛ

Унда Чирчиқ ҳарбий прокурори, ҳарбий қисмлар қўмондонлиги, Тошкент вилояти Тадбиркорлик ўқув маркази, Бекобод шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими, банк муассасалари, хотин-қизлар бўлими, тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари иштирок этдилар.

Қабул давомида келиб тушган 23 та мурожаатнинг аксарияти жойида ижобий ҳал этилган бўлса, айримлари юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди ва қолган мурожаатлар назоратга олинган ҳолда тегишли мутасадди идораларга йўналтирилди.

Тадбирда фаол иштирок этган ҳамкор ташкилотларга ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

**Султанмурад КАЛЕНДЕРОВ,**  
Чирчиқ ҳарбий прокурори ёрдамчиси, адлия подполковниги.



## ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Урганч ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Хоразм вилояти ФВБда терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг касбий билимларини ошириш мақсадида амалий ўқув семинари ўтказилди.

Унда Урганч ҳарбий прокуратураси терговчилари иштирок этиб, жиноят ёки ҳодисаларга оид хабарлар юзасидан бирламчи ҳаракатлар, ҳодиса жойини кўздан кечириш, далилларни тўплаш ва процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тушунтирилди.

Шунингдек, кун тартибидаги масала юзасидан иштирокчиларнинг саволларига жавоб берилди.

**Нуриддин ЭГАМҚУЛОВ,**  
Урганч ҳарбий прокуратураси терговчиси, адлия подполковниги.



## “УЙ ОЛИБ БЕРАМАН...”

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга арзон уй-жой қуриб берилаётганлиги қанчадан-қанча фуқароларимиз орзуларининг амалга ошишига хизмат қилмоқда. Аммо баъзида бу имтиёзлардан ўз манфаати йўлида фойдаланаётганлар ҳам учраб турибди. Муқаддам ўғрилиқ учун судланган У.З. ўзига тегишли хупоса чиқармади. Энди у алдаш ва ишончли суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг кўп миқдордаги мулкни қўлга киритиш режасини тузади. У.З. кам таъминланган оила ва шахслар учун давлат субсидия маблағлари ҳисобидан уй-жой олиб бериш ваколатига эга бўлмаса-да, И.С. номига Сергели туман ҳудудида қурипаётган уйлардан уч хонали уй олиб беришни ваъда қилади. Агарда дастлаб-

ки тўлов учун 57.000.000 сўм пул маблағларини берса, Яшнобод туман ҳокимлигида ишловчи таниши орқали ҳал қилиб беришини айтиб алдайди. У.З. фирибгарлик йўли билан И.С.дан жами 50.000.000 миллион сўм олган ва пулни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, У.З. жинойи ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида Т.Х.га чиқаётган субсидия эвазига икки хонали уй олиб беришни ваъда қилади. Унга агарда 42.000.000 миллион сўм берса, ҳокимликдаги таниши орқали олиб беришни ваъда қилади. Бу гал у пулни нақд эмас, пластик картасига 13.350.000 сўм ўтказиб олади. Қолган пулни эса ўзига боғиқ бўлмаган ҳолатда қўлга кирита олмаган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган У.З. айбига қисман иқrorлик билдирди.

— Тўғри, икки кишини алдаганман. — деди судланувчи. — Бир фуқародан 50.000.000 сўм

## МУРОЖААТЛАРГА ЕЧИМ

Бош прокурор ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ботир Қудратходжаев, Мудоффа вазири ўринбосари Ҳамдам Қаршиев, Фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари Хуршид Алибаев, Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари Сарвар Мамаюсупов, ИИБ Қоровул кўшинлари қўмондонининг ўринбосари Даврон Ашуровлар иштирокида мамлакатимиз вилоятларида оммавий сайёр қабуллар ташкил этилмоқда.



Хусусан, Фарғона шаҳрида жойлашган Шарқий ҳарбий округ Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтган оммавий сайёр қабулида келиб тушган 181 та мурожаатдан 80 таси шу жойнинг ўзида ҳал қилинди, 45 таси муддат талаб қилганлиги боис Қуролли Кучлар вазирлиги ва идоралари томонидан кўриб чиқилмоқда, 56 таси назоратга олинган ҳолда тегишли органларга юборилди. 169 та мурожаатдан 79 таси қаноатлантирилди, 12 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 78 таси муддат талаб қилганлиги боис ижроси назоратга олинган ҳолда тегишли органларга юборилди.

Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган қабулда келиб тушган 135 та мурожаатдан 45 таси қаноатлантирилган, 60 таси муддат талаб қилганлиги боис Қуролли Кучлар вазирлиги ва идоралари томонидан кўриб чиқилмоқда, 30 таси назоратга олинган ҳолда тегишлилиги бўйича юборилган.

Наманган вилояти Маданият марказида ўтказилган оммавий сайёр қабулда вилоят ҳудудидаги Қуролли Кучлар таркибидаги вазирлик ва идоралар тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчилари, ходимлари, пенсия онерлар ҳамда упарнинг оила аъзолари ўзларини қийнаётган муаммолар, узоқ муддатли ипотека кредити асосида турар-жой олиш хизмат жойини ўзгартириш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш.

**Азизбек АБДУРАҲМОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ёрдамчиси, адлия полковниги.

олиб типхат ҳам ёзиб берганман. Ноиложликдан бу ишни қилганман. Ҳокимликда ҳеч қандай танишим йўқ. Аксинча, бошланғич тўлов учун деб алдаб пулпарни олганим рост. Пушаймонман. Енгилроқ жазо беришингизни сўрайман.

Суд У.З.га жазо тайинлашда айбига қисман иқrorлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий ва моддий шaroити, оиласидан ажрашган бўлиб, қарамоғида бир нафар фарзанди борлиги, ҳозирги вақтда ҳомиладор эканлигини инобатга олди. Суднинг ҳукми билан У.З. беш йил муддатга озодликда маҳрум этилди. Бироқ, шифохонанинг маълумотномасига асосан ҳомиладор эканлиги сабабли У.З.га нисбатан ҳукмнинг ижроси ЖПКнинг тегишли моддасига асосан бир йилга кечиктирилди.

**Фаррух ЭРҒАШЕВ,** жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг судьяси.  
**Азимжон ҲАКИМОВ,** Судьялар олий мақтаби тингловчиси.



## ИЛЛАТГА ҚАРШИ

Наманган вилояти Косонсой туманида вилоят ФВБ гидрометеорологик жараёнларга таъсир кўрсатиш хизмати ходимлари иштирокида “Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши кураш” мавзусида тадбир ташкил этилди.



Унда бошқарма шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи подполковник Абдужаббор Мўминов ходимлар орасида коррупцияга қарши курашиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳамда содир этилаётган жиноятлар ҳусусида тўхталиб ўтди.

Тадбир якунида вазирлик Гидрометеорологик жараёнларга таъсир кўрсатишни марказий бошқариш хизмати бошлиғи ўринбосари Шавкат Наврўзов қонунда белгиланган қоида-талаблар асосида хизмат олиб бориш юзасидан зарур тавсияларни берди.

**Авазбек ИБРАГИМОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ шахсий хавфсизлик бўлими ходими, подполковник.

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ ВА ЁШЛАР

Сўнги йилларда турли ижтимоий тармоқлар интернет оламининг ажралмас бўлагига айланиб улгурди. “The Royal Pingdom” глобал аналитик тадқиқот компанияси маълумотларига кўра, дунёда глобал тармоқдан 2,1 миллиард киши фойдаланади. Шундан 1,1 миллиард киши бир вақтнинг ўзида ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиси ҳисобланади. Мисол учун, ҳозир дунёда кенг тарқалган “Facebook”, “Odnoklassnik.ru”, “Telegram”, “Mail.ru” каби ижтимоий тармоқлар шулар жумласидандир.

Виртуал мулоқот вақтида инсонда феноменал ахлоқий эркинлик пайдо бўлади ва у бевосита жамиятдаги ахлоқий нормаларни инкор этади. Ушбу фарзани инобатга олган ҳолда, ижтимоий тармоқларнинг жамиятга ва шахсга зарарли таъсирини ҳар доим назарда тутиш лозим.

Масалан, ижтимоий тармоқлардаги сўзлашуларда жаргон, вулгаризм ва варваризмдан эркин фойдаланилади ва бу бевосита миллий тилнинг бузилишига олиб келади. Шунингдек, одамларда кўпог ва беҳаё сўзлар маълум вақт ўтиб, ўзидан бошлаб психикада ўз инъикосини вужудга келтириб боради.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса шуки, касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган яхши. Ёшларда миллий онг ва тафаккур, юксак маънавий фазилатларни шакллантириб, уларни миллий урф-одатлар, менталитетимизга хос ахлоқий нормалар орқали тарбияласак, кўзлаган мақсадга эришган бўламиз.

**Дилфуза ХАЙРУЛЛАЕВА,**  
Қарши туманидаги 39-умумтаълим мактаби кутубхона мудариси.

Тошкент шаҳар ФВБ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази ходимлари майор Д.Муродов, катта ўқитувчи Б.Зияев, ўқитувчи Г.Беквалар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги миқёсида ташкил этилган “Ўз касбининг фидойиси” халқаро илмий-амалий кўрик-танловининг кўкрак нишони билан тақдирландилар.



## ЭЪТИРОФ



Албатта, вазирлигимиз тизимида ўз касбига фидойи жонкуяр, Ватан равнақи йўлида тиним билмай хизмат қилаётган юзлаб сафдорлар, офицерлар генераллар бор ва биз уларнинг

мардонавор ишлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**А.РУСТАМОВ,**  
Тошкент шаҳар ФВБ ЖТ ва ОАВБХҚГ бошлиғи, капитан.

## MAVSUMGA HOZIRLIK

Xorazm viloyati Xonqa tuman FV bo'limi xodimlari tomonidan g'alla o'rim-yig'im davrini talafotsiz o'tkazish uchun yong'in xavfsizligi qoidalariga to'liq rioya qilish yuzasidan g'alla o'rim-yig'im mavsumida qatnashadigan kombaynlarning texnik va yong'in xavfsizligi holati o'rganildi. Ushbu tadbir davomida kombayn va boshqa transport haydovchilarga o'rim-yig'im paytida nosoz, texnik ko'rikdan o'tmagan transport vositalaridan foydalanmaslik, g'alla maydonlarida kombaynda ishlayotganda sigareta chekishmaslik, shuningdek, yig'im-terimda uchqun o'chirgichi nosoz kombayn va boshqa transport vositalaridan

foydalanish taqiqlanishi hamda kombaynlarni yong'in o'chirish vositalari va anjomlari bilan to'liq jihozlash muhimligi tushuntirildi.

Qayd etildiki, joriy yil tumanida 2 ming 100 gektar maydonda boshqoli don yetishtirilmoqda. Agrotexnik tadbirlar o'z vaqtida va belgilangan me'yorlarga muvofiq o'tkazilganligi bois, mo'l hosil yaratish reja qilingan. Asosiy vazifa esa yetishtirilgan hosilni isrof qilmasdan, yig'ib olishdan iborat. G'allani yetishtirish qanchalik muhim bo'lsa, uni turli tabiiy ofatlardan, jumladan, yong'indan saqlash ham shunchalik muhimdir.

**D.YAQUBOV,**  
Xonqa tumani FV bo'limi boshlig'i o'rinbosari, mayor.

## ДАВРА СУХБАТИ

Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейида “Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш” мавзусида суҳбат ташкил этилди.



Унда адлия подполковниги С.Ашрапов иштирок этиб, бугунги кунда республикамиз миқёсида ташкилотлар, ўқув юрталари ва бошқа соҳаларда ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, фуқаролар-

ни ишга жойлаштириш мақсадида ишончига кириб, ёлдаш, муайян ҳаракатни амалга оширишига уринишлар содир этилаётгани ачинарли ҳол эканлигини айтиб ўтди.

Учрашувда жиноятлар сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, жавобгар шахсларнинг фаолиятига танқидий муносабат билдирган ҳолда, уларнинг масъулиятини кескин ошириш, бу борада жавобгар шахсларга нибатан қатъий ва кескин чоралар кўриш лозимлиги қайд этилди.

**Н.БОЙҚОБИЛОВ,**  
Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҲАЛ ўқитувчиси.

## MAZMUNLI VA FOYDALI

FVV Muhandislik muhofaza va qurilish-tiklash ishlari bosh boshqarmasi boshlig'i o'rinbosari, Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi boshlig'i polkovnik D.Usmanov va boshqarma boshlig'i o'rinbosari podpolkovnik V.Gadjiyevlar Samarqand shahriga xizmat safariga yuborilgan 4-muhandislik-qurilish batalyoni yosh muddatli harbiy xizmatchilar bilan uchrashdilar.



Qiziqarli va mazmunli kechgan tadbirda namunal xulqi hamda safdoshlarga o'mnak bo'lib kelayotgan bir guruh muddatli harbiy xizmatchilar esdalik sovg'alari bilan taqdirlandilar.

**I.KAJANOV,**  
tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnik, oddiy askar.

## ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ

ФВВ тизимида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг оилавий шароитларини яхшилаш, фарзандларига эътибор кўрсатиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида, “Қамчиқ” махсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармаси бошлиғи полковник Ҳ.Бобонов томонидан капитан Р.Алимов, II даражали сержантлар А.Эргашев, М.Байчаев, кичик сержантлар Х.Отамуродов ва О.Нуралиевларнинг фарзандларига олий ўқув юрталарига кириш учун тавсиянома бланкалари тантанали равишда топширилди.

**Э.ПОСТНИКОВА,**  
“Қамчиқ” МКҚБ бўлинма бошлиғи.



## МАҲОРАТ СИНОВИ

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри ва Нишон туманларида қўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилди.



Тадбир давомида ўқув режасига асосан назарий машғулотлар ташкил этилиб, амалий қисмда белгиланган ўқув нукталарида тактик-махсус ўқув машқлари ўтказилди.

Ўқув машқи жараёнида мактаб ўқувчиларининг зилзила, ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳаракатланиш борасидаги билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди.

Навбатдаги машқ Нишон туманидаги Талимаржон сув омборида ўтказилиб, объектдаги меҳнат жамоасининг ҳаракатларни амалда кўрилди. Шунингдек, "Гулшан" ва "Гулзор" маҳаллалари намуна сифатида танланиб, шартли зилзила натижасида жабр чеккан аҳоли хавфсизлигини

таъминлаш, эвакуация комиссияси ва аҳоли учун йиғиш-кўчириш пунктларини ташкил этиш тадбирлари амалда бажарилди.

Шунингдек, Тиббиёт бирлашмаларида содир бўлган шартли зилзиладан жабрланган фуқароларни қабул қилиш учун ташкил этилган биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш отрядларининг фаолияти кўриб чиқилди.

Тадбир якунида амалга оширилган ҳаракатлар таҳлил қилиниб, йўл кўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан мутасадди хизматларга зарур тавсия ҳамда кўрсатмалар берилди.

**Фарҳод МИРЗАЕВ,**  
Қашқадарё вилояти ФВБ бошлиғи, полковник.

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида "Туман бошқарув органлари, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими ҳудудий қўйи тизими хизматларнинг табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатлари" мавзусида қўмондонлик-штаб ўқув машқи бўлиб ўтди.

## ОЛТИНСОЙДА МАШҚ



Тадбир давомида вилоят ФВБ бошлиғи ўринбосари Ш.Эрназаров, туман ҳокими Баҳром Маҳмараймов бошчилигида туман ФВДТ хизматлари раҳбарларининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича тегишли қарорлари тингланди. ФВДТ хизматларига кирувчи махсус техникаларнинг саф кўриги ташкил этилиб, "Қумпайкал" маҳалласида табиий

ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар юз берганда аҳолини хавфсиз ҳудудга кўчириш бўйича ўқув машғулоти ўтказилди.

Шунингдек, "Янги қурилиш" маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи Олтинсой дарёсидаги кўприкда йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олган, дарёга тушиб кетган фуқароларни аниқлаш, биринчи тиббий ёрдам кўрса-

тиш, автомашинани дарёдан олиб чиқиш бўйича махсус-тактик ўқув машқи бажарилди.

**Ж.Жўраев,**  
Сурхондарё вилояти ФВБ ЖТ ва ОАВБХҚГ бошлиғи, капитан.

**Ш.Сайидов,**  
Олтинсой тумани ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

## АЭРОПОРТДА ЎҚУВ МАШҚИ

Қарши халқаро аэропорти ишчи-хизматчилари ва муассаса ёнгин-қутқарув бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тезкор йиғин вақтида шартли фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ҳамда авария жойида жабрланганларни қутқариш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнлари қисқа вақт ичида бажарилди.



Тадбирда асосий эътибор шартли авария ҳолатини тез ва самарали бартараф этиш ҳамда бу каби фавқулодда вазиятларда ишчи-хизматчиларга тўғри ҳаракатланиш кўникмасини оширишга қаратилди.

**Ботир ҚУРБОНОВ,**  
Қашқадарё вилояти ФВБ ОБЭХТТЭБ инспектори, капитан.

**Илёс ДОННИЕВ,**  
"Муборакнефтогаз" МЧЖ ОБЭХТТЭБ инспектори, катта лейтенант.



"Қамчиқ" МҚКЭБ, "Кўхон" МТЙУ, "Қамчиқ" темир йўл, Ангрен-Поп ЭТЙ ҳамкорлигида "Ангрен-Поп" ЭТЙ 54 км. ПК4 ва 65 км. ПК4 жойлашган туннеллар ҳудудида зилзила оқибатида, тош тушиб, йўловчи поезднинг темир йўл изидан чиқиб кетиши натижасида юзага келган фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда объект ФМ тузилмаларининг ҳудудий ФВДТ хизматлари куч ва воситалари билан ҳамкорликдаги ҳаракатларига оид махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

## МАЛАКАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Ўқув машқида қатор назарий ва амалий тадбирлар билан бир қаторда, табиий офат натижасида темир йўлининг 65-67 км.лари ораллигида тушган тош массаларини олиб ташлаш ҳамда поездлар ҳаракатини тиклаш юзасидан амалий машқлар бажарилди.

"Қамчиқ" туннелини қўриқлаш ҳарбийлаштирилган бўлинмаси ёнгин ўчириш гуруҳи ҳамда "Қамчиқ" те-

мир йўл масофаси Фуқаро муҳофазаси тузилмалари томонидан поезд ичида қолиб кетган фуқароларни эвакуация қилиш ҳамда қисқа туташув натижасида вагонда юзага келган ёнгинни ўчириш ишлари кўрсатиб берилди.

**Ш.ҚУДРАТОВ,**  
"Қамчиқ" МҚКЭБ ФВПБ бошлиғи, капитан.

## КўНИКМАЛАР ОШИРИЛДИ

Юнусобод туманидаги кўп қаватли турар жой биноси қурилиш объектида Тошкент шаҳар ФВБ ҳамда туман ФВБ бўлими ходимлари томонидан ўқув-амалий машғулоти бўлиб ўтди.

Тадбир давомида иштирокчиларга ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар юз берганда ҳаракатланиш, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, шунингдек, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиб-қоидалари амалда кўрсатилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди.

**Рустам МУҲАММАДИЕВ,**  
Тошкент шаҳар ФВБ НТБ бошлиғи, подполковник.

## AMALIY SAVOQ

Andijon shahridagi "Mik Bro" tekstil xorijiy kompaniyasida yong'in va boshqa tUSDagi favqulodda vaziyatlarni talafotlarsiz bartaraf etish yuzasidan taktik-amaliy o'quv mashqi o'tkazildi.

Tadbirda shartli ravihda sodir bo'lgan yong'inni bartaraf etish uchun korxonaga ko'ngilli yong'in o'chirish guruhining harakatlari kuzatildi.

Mashq yakunida yo'l qo'yilgan xato va kamchiliklar muhokama qilinib, ishchi-xodimlarga favqulodda vaziyatlarda bajarilishi lozim bo'lgan vazifalar tushuntirildi.

**S.ZULUNOV,**  
Andijon viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i, mayor.



# ҚУТҚАРУВЧИЛИК КАСБИНИ ҚАДРЛАЙМАН!

Сўхбатимизнинг халқимизга янада яқинроқ ҳажати бўлмася керак. У ўзининг ижро этган ажойиб ролялари, бетакрор санъати билан барчамизга таниш, қадрдон. “Ушш”, “Жасур”, “Балли, Қамолдин”, “Уқубат” каби фильмлардаги бош ролялари билан муҳлислар эътиборини қозонган, ўз касбининг севадони, театр ҳамда кино аламида самарали меҳнат қилди келган ижодкор, “Шухрат” медали соҳиби, Ўзбек миллий академик драма театри актёри Миралим ҚИЛИЧЕВ тахририятимиз меҳмони.

Сўхбатимиз ижод, шунингдек, улут ҳамда шарафли касб – қутқарувчилик машаққатлари ҳақида бўлди.

– *Актёрликни танлаганингиз, театр ҳам кино соҳасида сизга ҳаётининг тунқасган инсонлар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқланганингиз...*

Тўғри оқибатларим, қариндош уруғларим орасида санъат соҳаси вакиллари бўлмасди, ота-онам санъатни яхши кўришган. Санъаткорнинг ўрни, ҳурматини жуда қадрлашган. Мендаги бу касбга меҳрион олам уйғотган. Қолаверса, киночилар томонидан кўпчилигининг ҳонадонига турли жанрдаги фильмларнинг мунтазам пайдоиши эътиборини ҳам санъат соҳасига бўлган қизиқишимнинг ортишига сабаб бўлган. Ана шу фильмларни томоша қилишга ошиқардим, уларни кўриб ўзимни бош қаҳрамон сифатида тасаввур қилардим. Кўнглимдан ўтқизилганларимни онамга айттардим. Бу мавзуда кўпчилик сўхбатлар қилар эдик, ойиша жаҳонда аке этиб турган қаҳрамонлар ҳақида гаплашардик. Онам ушбу соҳаси меҳнат қилишимни жуда хоҳлаган. Шунинг учун актёр бўлиш ниятим қай даражада жиддий эканлигини сўраган. Кучли истагим борлигини билдирганимда, жуда қувонганлиги. Мақсад шик бўлди, инсонли барга йўллар ўз-ўзидан очилар экан. 15 ёки 16 ёшимда онам яқини Тошкентга бориб, Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Иштиёровдан йўл-йўриқ ва мисоҳат олишни мўлжалладик. Аммо даставвал Бухоро телевидениеси ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби “Дўстлик” ордени соҳиби Муҳаммад Рафиқовнинг ёнига боришни маъқул кўрдик. У табиатан қалтар, ўта маданиятли, оғир ва боқислик, доғимонларга фикр юритиши ўзига кўрк бағишлаб турадиган киши экан. Мен билан сўхбатлашиб, шеър айтишимни сўради, айтдим. Шундан кейин ўрним айнан санъатда эканлигини ва ўқини кириб, Тошкентда театрда ишга қилишим кераклигини таъкидлаган. Мана шу доғо маънаҳат сабаб, санъат соҳасини пиллалим ва таллабалик бахтига мўлжалар бўлдим.

Театр-оғоҳасига илк бор дўстим, актёр Сухроб Ҳасановнинг таклифи билан қелганман. Ҳар бир спектакль учун маъсуе сахна декорациялари қурини, яъни сахна усталилигида иш бошлаганман. Шундан кейин “Увайсий” спектаклида қамончи йиғилар ролида оғмавий сахнага чиққанман. Кетми-кет “Амир Темури”, “Мақр ва муҳаббат” спектаклиларида кўришни берганман. Аста-екин бигта, иккита, учта сўз айтадиган кичик роляларда иш бошлаганман. Театрдаги илк қатта ролим “Торғадурман жаҳрили” спектаклидир. Шундан сўнг бири-кетин бош роляларини ижро эта бошладим. Темури илтизомга оғал қилиш орқали устозлар илтиборини оғлашга эришганди. Театр жамоаси мени яхши қабул қилган эди. Санъаткор сифатини ўз йўлини топишимда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқудулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тохир Саидов ва Бетир Муҳаммадқонов сингари устозларнинг сабоғи ва дуосининг аҳамияти қатта бўлмоқда. Ёлтигимдан уларнинг ижодлариға хавис билан қарар эдим. Эдик уларнинг оғирли сифатида ёнида туриб, ижод мактабидан баҳра оламан. Шу боғе, кинода ҳам, театрда ҳам кетми-кет яхши асарларда иштирок этишим.

*Билганингиз, “Жасур” фильмида ҳарбий илтиборини мароғида өт-*



*қилиб ижро этганингиз. Фаолиятингиз давомида Факултетада вакиллар вакирлиги тизими ходимлари, ёлти-қутқарувчилари билан боғлиқ ижодий ва илтиборий жараёнлар юз бергани?*

Авалто, таъкидлаш жоғизки, бирор-бир факултетада вакирлиги сўйир бўлганда, уни оғи оғибитили юзага қелган талафотлар доғий шай ҳолатда турадиган, воқеа жойига биригичи бўлиб етиб қеладиган сўха вакиллари ФВВ қутқарувчилари томонидан ўз вақтида, тезкорлик билан биртараф этилади.

Бир пайтлар ФВВ ёлти-қутқарув хизмати ходимларининг фаолиятига бағишланган видеоролик тайерлаш вакираси бағларилган. Унда ўт ўчирувчи образини гавдалантириш менга юқлатилиди. Сураға өлиш майдончасида шартли оғов ёсидирлиди. Мен эса ялтирок ўт ўчирувчилар либосини қийган ҳолатда шу касб өғасига ҳоё бўлган элтилик билан енгин өсир бўлиётган ҳудудга қараб югуришим керак эди. Қийинли дағомида бу либоснинг оғирлиги хайратини өширди. Ёлтигдаги қийимда, қутқариниға өрдам берадиган аёб-уёғуналар билан тезкорликда бағарини ҳаракатини таърифлашга тилим өкидик қилди. Жуда юқори дарағалани илтиликдан аёрайдиган шу ялтирок либосни қийиб, “илтисит ёвдан өдамларнинг ҳаётини сақлаб қилинига интиладиган, ёлтининг биртараф өтишга илтиладиган касб өаси образини яратганидан жуда мамнуз бўлдим ва уларға илтибатан ҳурматим ялти өлти. Шу соғала меҳнат қилаётган илтиборларға чексиз таланилар айтдим. Ушбу касб чаконлик ва илтираклиги, фидойилиги қалаб өлади. Сураға тулини дағомида мен буни жуда яхши хис қилишман ва тушуниб өтганман.

Шу ўринда яна бир воқеаға туғталмоғи эдим... Бир қуни илти юзадиган

Тошкент вилоғининг Чиноз туманиға боришим керак эди. Янги ўт туманидаги ўтаётганида, бир ҳонадонда ёлти бўлиётганиға қўзим тушди. Автомобилни йўл четига өлиб туғталдим. Манидан тушиб, аҳали туғланан томоша бордим. Қимлардир воқеани тушунди қулатиб турган бўлиди, бағлилар қандай қилиб өрдам берини хис қилиш гапирарди. Ёлтиборлиқни қарани қи, ҳали бирор қимса ўт ўчирувчиларға хабар бермаган. Ўзим ёлти хавфсизлиги боғармасиға қўнтрирок қилдим. Улар етиб қелушга қалтар өловни талтириб туришга ҳаракат қилишимиз кераклигини өдамларға айтдим. Улар аввалиға актёрни қўрганларидан хайратланлиди, кейин эса мен билан биргалиқда челақи сув тапшишга кирилиди. Оғов ёлти-өғоғи ўраб өлаётган бир лайтда замонавий қулайликларға эа бўлган ўт ўчириш машиналари ва ёлти-қутқарув экипажини воқеа жойига етиб қелди. Ҳарбийлаштирилган ёлти хавфсизлиги өтради ҳосимлари томонидан сўв ва қўлик ёрдамда өлов бартараф қилилиди. Ёлти рўй берганида өғир қийим-боғи, анжонлири билан билан қаватлири жойлашган ҳонадонларға киришнинг ўзи бўлмайди. Бу ўринда спорт жуда қатта ёрдам беради. Шухта жиғоний тайёргарликкез яхши ёлти ўчирувчи бўлиш қийин. Бу касб илтири жиғонан бағунади, рухий томондан ўларини өшадили бўлилади.

– *Муҳлислариниға тилиқлариниға.*

Халқимиз доғмо санъат билан өлти бўлишнинг, ҳар бир илтион ўт касби орқали ривожланишини тилиймади. Мамлақатимиз өсоғишталиси бирқарор, өсмонимиз мусаффо бўлиди. Ҳеч бир илтисоннинг ҳонадонда енгин бўлмасин. Қутқарувчиларининг ҳам, ўт ўчирувчиларининг ҳам ҳағиша жели өғам бўлиди. Тахририят жамоасига юқоқ парвозлар тилиймади. Ўқуғилар соғи янада қелгайсин. Ижодий барқамонлик барқамонига ёр бўлиди!

– *Сўхбатиниғиз учун тилиққур!*  
Анвар ҚОБИ, ЮВ сўхбат қилди.

## КЎРСАТМАЛАР ИЖРОСИ

Поп тумани 3-сектор ҳудудидаги "Анҳор" маҳалласининг ички кўчаларида туман ҳокимлиги, туман ФВ, ИИ бўлимлари, шунингдек, йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан қум-шағал ишлари бажарилмоқда.



Бундан ташқари, "Нуробод", "Мустақиллик", "Кенағас" ва бир қатор маҳаллалар кўчаларида ҳам бу каби ободонлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Унда темир-бетон таянчлар, янги электр тақсимлаш пунктларини ўрнатиш, ички кўчаларни таъмирлаш, тоза ичимлик суви тармоғини тортиш каби ишлар олиб борилади.

**Ўткиржон МАМАСОДИҚОВ,**  
Поп тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи,  
лейтенант.

## МАСКАНДА ТАДБИР



Халқаро анжуманлар саройи масканидаги масъул раҳбарлар ва ишчи-ҳодимлари иштирокида бинода фавқулодда вазиятлар ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тарғибот-ташвиқот учрашуви ўтказилди.

Тадбирда ёнгин хавфсизлиги қонданарига риоя этиш, ёнгиндан хабарловчи воситалар, мавжуд бирламчи ёнгин ўчириш воситаларидан фойдаланиш тартиби, фавқулодда вазиятлар, ёнгинлар содир бўлганда хабарлаш, хабарлаш тизими ишга тушганда ҳаракатланиш бўйича ишчи-ҳодимларга тушунчалар берилди.

**Зафар ЗУФАРОВ,**  
Халқаро анжуманлар саройи ЁХТТЭБ  
бошлиғи, майор.

## SARHISOB

Shumanay tumani FV bo'limi tomonidan 2023-yil yanvar, fevral, mart, aprel oylari davomida 8127 ta aholi turarjoylari va 26 ta ko'p qavatli uylarning xonadonlari o'rganib chiqildi. Tekshirishlar davomida jami 294 ta kamchilik aniqlanib, 223 tasini bartaraf etishga erishildi. Fuqarolar yashash uylaridagi jami 33 ta nosoz dudburon aniqlangan bo'lsa, shulardan 33 tasi yong'indan qo'riqlash bo'yicha xavfsiz uy-joy tashkiloti tomonidan tozalandi.

**Garibulla REJEPOV,**  
Shumanay tumani FV bo'limi boshlig'i  
o'rinbosari, kapitan.

## СЕМИНАР

Косонсой туманидаги 1- ҳамда 45-умумтаълим мактабларида семинар ташкил этилди.



## ҚУТҚАРИБ ҚОЛИНДИ

Наманган вилояти ФВБ қутқарув отряди, Учқўрғон тумани Фавқулодда вазиятлар ва Ички ишлар бўлимлари ходимлари ҳамкорлигида 2007 ҳамда 2011 йилларда туғилган жами 5 нафар йигит сувда чўкиш билан боғлиқ вазиятдан қутқариб қолинди.

Афсуски, чўмилиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларга мисоллар кўп. Масалан, 2023 йил 2 май куни соат 16.30 ларда Поп тумани "Гулистон" МФЙда жойлашган дам олиш масканларининг бирида спиртли ичимлик ичган фуқаро маст ҳолда шу ҳудуддан оқиб ўтувчи Чодаксойга эҳтиётсизлиги туфайли тушиб кетиб, вафот этган.

Фалокат оёқ остида, дейдилар. Аксарият чўкиш ҳолатлари спиртли ичимлик ичган фуқаролар орасида, ёш болаларни назоратсиз қолдириш ҳамда тақиқланган сув ҳавзаларида чўмилиш оқибатида юзага келмоқда.

**Қаҳрамон САТТОРОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚ  
гуруҳи бошлиғи, капитан.

## МУҲИМ ВАЗИФА

Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ ташаббуси билан туман ва шаҳарлар кесимида ишчи гуруҳлари тузилиб, аҳоли яшаш пунктлари, мактаб, шифохоналар ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда корхоналарни 2023-2024 йиллар учун куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш юзасидан зарур ташкилий тадбирлар бошлаб юборилди.

Хусусан, Нукус шаҳридаги кўп қаватли уйларида яшовчиларнинг хонадонларида ёнгинга қарши ҳолатлар, шунингдек, ташкилотлар ва янги қурилатган объектлар, мактаблардаги ҳолатлар таҳлил этилиб, ёнгин билан боғлиқ фавқулодда ҳодисаларнинг олди олинмоқда ва камчиликларни бартараф қилиш чоралари кўрилатири.

Шу кунгача ҳудудлардаги 70 дан ортиқ хонадонда электр ва газ манбаларидан ўзбошимчилик билан фойдаланилаётганлик ҳолати аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Бундан ташқари, 12 та мактаб ва 7 та мактабгача таълим ташкилоти, 5 та ишлаб чиқариш корхонасида ёнгин чиққанида фойдаланиш керак бўлган захиралар тўлиқ шакллантирилмаганлиги, хонадонларга иссиқлик манбаини етказиб берувчи айрим қозонхоналардаги ёнгин келтириб чиқарувчи ҳолатлар назардан четда қолгани учун масъуллар огоҳлантирилди.

**Рустам ЕМБЕРГЕНОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ  
бўлинма катта инспектори,  
майор.

ФВБ ходимлари, БМТ ва ЮНИСЕФ болалар хайрия жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур семинарда зилзила ва бошқа кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлганда мактаб биносида тўғри ҳаракат қилиш, ўқувчиларни хавфсиз жойларга олиб чиқиш тартиби юзасидан зарур тавсия ва тушунчалар берилди.

Семинар доирасида вилоят ФВБ, туман ФВ бўлими ходимлари томонидан соҳага оид техникалар кўргазмаси ҳам ташкил этилиб, ёнгин ўчириш автоташкилоти ҳамда асбоб-анжомлар хусусида зарур маълумотлар тақдим этилди. Фавқулодда вазиятлар шароитида қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш, сув устида арқондан ўтиш ҳаракатларига оид амалий машғулотлар кўрсатилди.

**Абдугани ХОДЖАЕВ,** Наманган вилояти ФВБ  
ҲФХҲМ катта ўқитувчиси.

Янгиҳаёт тумани ҳудудидан оқиб ўтган дарё ва каналларда сувда чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича тумандаги мактабгача ва мактаб таълими бўлими директорларига тегишли вазифалар белгилаб берилди. Чўмилишга руҳсат этилмаган барча сув ҳавзаларида чўмилиш бўйича хавфсизлик қондаларига риоя этиш юзасидан маълумотлар тақдим қилинди.

## ТУШУНТИРИШ

Шунингдек, мавсум давомида чўмилиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

**Саъдулла САГДУЛЛАЕВ,**  
Янгиҳаёт тумани ФВ бўлими  
бўлинма бошлиғи, майор.

## МАКТАБ ВА МАҲАЛЛАЛАРДА

Бектемир туманидаги "Забардаст" МФЙ ҳамда 348-сонли умумтаълим мактабида ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш, ёнгин-қутқарув техникалари ва асбоб-анжомлардан фойдаланиш бўйича учрашув, давра суҳбатлари ва кўргазмалар ташкил қилинмоқда.

Мазкур тадбирлар амалий машғулотлар давомида иштирокчиларга фавқулодда вазиятлар, уларнинг хавфи ва талафотли оқибатлари ҳақида тушунтиришлар берилиб,

**Иброҳим АБИДОВ,**  
Тошкент шаҳар ФВБ  
ЁХТТЭБ мутахассиси,  
оддий аскар.

## ФУҚАРОЛАР УЧУН

Олмазор туманидаги "Юқори Себзор" МФЙда ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш, ёнгин-қутқарув техникалари ва асбоб-анжомлардан фойдаланиш бўйича учрашув ўтказилди.

Учрашув давомида ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар, уларнинг хавфи ва талафотли оқибатлари ҳақида тушунтиришлар берилиб, амалий машғулотлар ташкиллаштирилди.

Тадбир якунида фавқулодда вазиятларга оид эслатма материаллари тарқатилди.

**Нурмуҳаммад ҲИММАТОВ,**  
Тошкент шаҳар ФВБ ЁХТТЭБ мутахассиси,  
оддий аскар.



## ҚУРИЛИШДА ХАВФСИЗЛИК

Шуманай тумани ҳудудида қўллаб янги қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳудудда ўтган йили йигирмадан ортиқ бино фойдаланишга топширилиб, улар орасида мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, тадбиркорларга тегишли турли функцияларни амалга оширувчи биноларнинг борлиги халқимизга қулайликлар яратади.

Таъкидлаш жоизки, қурилиш ишлари давомида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фойдаланишга қабул қилиш вақтида ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилинганлиги буйича туман фавқулодда вазиятлар бўлими норматив-техник бўлинмаси мутахассислари томонидан назорат ишлари олиб борилмоқда.

Қурилиш ишларини олиб бораётган ишчи-хизматчилар билан техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича профилактика тадбирлари олиб борилиб, уларга энг асосийси, соғлиқ ва хавфсизлик эканлиги тушунтириб келинмоқда.

**А.КАЗАХБАЕВ,**  
Шуманай тумани ФВ бўлими  
НТБ бошлиғи, катта лейтенант.



## АСОСИЙ ТАЛАБ

Ғалла ўрими-йиғими мавсуми муносабати билан комбайнлар, тракторлар ва бошқа транспорт воситалари соз учкун сўндиргич ва бирламчи ёнғин ўчириш анжомлари билан тўлиқ жиҳозланиши лозим.

Буғдойзорлар яқинида чекиш, очик оловдани фойдаланиш, таъмирлаш ишлари олиб бориш қатъиян маъ этилади. Ўрими ишлари олиб борилаётган майдонлар яқинида плугли тракторларда навбатчилик ташкил қилиниши шарт. Комбайн ва бошқа транспортларнинг айланувчи қисмлари сомон ва хашақдан тез-тез тозаланиб турилиши керак. Комбайн трактор ва бошқа транспортларга ёқилги

## ХОТИРЖАМЛИК GAROVI

Muborak va Shahrisabz tumanlari FV bo'limlari tomonidan qurilish ishlari davom etayotgan maskanlar, mahallalar, aholi yashash xonadonlarida uyta-uy yurilib, fuqarolarga yong'in xavfsizligi bo'yicha tushunchalar berilmoqda.

Tadbirlar davomida Muborak tumanidagi 4 qavatli turarjoylarning binda shartli yong'in-dan insonlarni qutqarish va oqiballarini bartaraf etish yuzasidan o'quv mashg'uloti bo'lib o'tdi



## PROFILAKTIKA

Toshkent shahar Sergeli tumani "O'zgarish" MFYda "Vostok" IICHB DUK yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'linmasi harbiy xizmatchilari tomonidan profilaktik tadbirlar tashkil etildi.

Ushbu tadbirlarda aholiga yong'in xavfsizligi qoidalariga rioya qilish, elektr uskunalaridan foydalanish, favqulodda vaziyatlarda harakat qilish tartibi xususida zarur ma'lumotlar berildi. Shuningdek, yong'in paytida

birламчи yong'in o'chirish vositalaridan foydalanish tartibi ko'rsatildi.

**G.MURODOVA,**  
Toshkent shahar FVB mutaxassisi, oddiy askar.

## ОГОҲЛИК

Умумий таҳлилларга қараганда, чўмилиш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, ёш болаларнинг катталар томонидан назоратсиз қолиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилиб сувга тушиш, тунги вақтларда чўмилиш, чўкаётган одамга ўз вақтида кўмак бера олмаслик, яъни қутқарув усулларида беҳабарлик сувда чўкиш билан боғлиқ кўнгилсиз оқибатларга асосий сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, сузиш пайтида лоқайдликка берилиш, ўз кучига ортиқча ишониш, сув ва қайиқда нотўғри хатти-ҳаракат қилиш, нотаниш жойда ёлғиз ҳолда чўмилиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

**Ж.РАҲИМОВ,**  
Миробод тумани  
ФВ бўлими бўлинма  
бошлиғи, катта лейтенант.

қуйиш учун махсус автоуловлардан фойдаланилади. Ёқилги қуйиш пайтларида двигателлар ўчирилган бўлиши шарт. Тунги пайтда ёқилги қуйиш тақиқланади.

Мавсум осойишта ўтишини истар эканмиз, юқоридаги каби қоидаларга қатъий амал қилиш лозим.

**Ж.ҚАМБАРОВ,**  
Ўртачирчиқ тумани ФВ бўлими  
НТБ бошлиғи, капитан.

**А.ЗОКИРОВ,**  
инспектор, катта сержант.

Mashg'ulotda ko'p qavatli binodan fuqarolarni tezkorlik bilan xavfsiz hududga olib chiqish harakatlari amalga oshirilib, ularga to'g'ri harakat qilish yuzasidan tavsiyalar berildi.

**Akrom PO'LATOV, Shahrisabz tumani FV bo'limi boshlig'i,**  
kapitan.

**Abbos RUSTAMOV,**  
Muborak tumani FV bo'limi  
inspektori, leytenant.

## ТАРҒИБОТ

Қашқадарё вилояти ФВБ ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан аҳоли ўртасида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан мунтазам равишда тушунтириш ишлари ўтказилиб, чўмилиш тақиқланган очик сув ҳавзалари, сув омбори, дарё, канал ва сойларда назорат текширувлари, рейдлар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, фуқароларга ўз фарзандларини назоратга олиш, чўмилиш рухсат этилган сув ҳавзаларида чўмилишларини таъминлаш, сузиш қоидаларига ўргатиш лозимлиги тушунтирилиб, эслатма ҳамда буклетлар тарқатилмоқда.

**А.АСАДУЛЛАЕВ,**  
Қашқадарё вилояти  
ФВБ бўлими бошлиғи,  
подполковник.  
**Ў.ЙЎЛДОШЕВ,**  
Дехқонобод тумани  
ФВ бўлими бўлинма  
бошлиғи, майор.

## ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛОВ

Қашқадарё вилояти ФВБнинг барча шаҳар ва туманлар бўлимлари томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Хусусан, Яккабоғ ва Кўкдала туманларида бунёд этилаётган кўп қаватли уй-жойлар қурилиш объектларида меҳнат қилаётган қурувчи ва масъуллар иштирокида меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиш юзасидан тарғибот ва тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Тадбирлар давомида қурувчи устасларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлардан огоҳ бўлиш ва ол-

дини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилиб, хавфсизлик қоидаларига оид буклетлар тарқатилди.

**Абдужалил МИРЗАЕВ,**  
Яккабоғ тумани ФВ бўлими  
бўлинма бошлиғи,  
катта лейтенант.

**Азиз ҲИДОЯТОВ,**  
Кўкдала тумани ФВ бўлими  
бошлиғи ўринбосари,  
подполковник.

## ШАЙЛИК МУҲИМ

Қўшқўпир туманида фаолият олиб бориши режалаштирилаётган "Истеъдод", "Хумо" ва "Дўстлик" болалар дам олиш оромгоҳларида ёз фаслининг мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш юзасидан объект ишчи-хизматчиларига тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу тадбирлар давомида

ёнғинга қарши  
воситалардан  
фойдаланиш.  
оромгоҳлар ҳуду-

дида турли мақсадларда гулханлар ёқиш тартиби хусусида тавсиялар берилиб, дам олувчилар ҳаётини хатарга солиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатларни бартараф қилиш, бу борада эътиборли бўлиш лозимлиги қайд этилмоқда.

**Ж.АБДАЛОВ,**  
Қўшқўпир тумани ФВ бўлими  
бўлинма бошлиғи, капитан.

Чироқчи ва Шаҳрисабз туманлари ФВ бўлимлари ҳодимлари томонидан ёқилги қуйиш шохобчаларида ҳамда суюлтирилган газ баллонлари сақлаш масканларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш борасида профилактика тадбирлар ўтказилмоқда.

## ЗАРУР ТАВСИЯЛАР

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, соҳа вакиллари томонидан ёқилги қуйиш шохобчаларида ўтган давр мобайнида қарийб 34800 дан ортиқ фуқарога турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тушунтириш ишлари амалга оширилган. Тадбирлар давомида ишчи-роқчиларга табиий газ ва суюл-

тирилган газ билан тўлдирилган баллонлардан белгиланган меъёр талаблари асосида фойдаланиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

**Нажмиддин БЕКБЎТАЕВ,**  
Шаҳрисабз тумани ФВ  
бўлими бошлиғи ўринбосари,  
майор.

**Наврўз АСАДОВ,**  
Чироқчи тумани  
ФВ бўлими бошлиғи  
ўринбосари, капитан.



# ЖАРАНГЛАЙДИ СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ!

25 май умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун ҳаяжонли ва унутилмас кун саналади. Чунки шу санада мамлакатимизнинг барча таълим масканларида тантанали равишда “Сўнги кўнғироқ” тадбири ўтказилади. Мактаб узра жаранлаган сўнги кўнғироқ садолари ўғил-қизларни янги мақсадлар ва юксак орзулар сари дадил қадам ташлашга ундайди! “Сўнги кўнғироқ...”. Бу жумла ҳар кўнғилда ўзгача жаранлайди, айниқса, битирувчилар қалбида.

## Синфларда чалинган дастлабки кўнғироқлар

Таълим муассасаларида дастлабки кўнғироқлардан фойдаланиш қадимги Юнонистонда бошланган. Биринчи кўнғироқ Афлотун академиясида жорий қилинган. Афлотун фойдаланган кўнғироқ биз бугун кўриб турган кўнғироқлардан анча фарқ қилган. Унда жаранг ҳосил қилиш учун сув ва найдан фойдаланилган. Олим 2 та ксмани найча билан боғлайди. Бир кемадан келадиган сув най орқали иккинчисига ўтаётганда овоз чиққан ва жаранг ҳосил бўлган.

XVII асрга келиб, кўнғироқ учун янги тизимдан фойдаланишга ўтилади. Чехиялик ўқитувчи Ян Амос Коменский дарсларни кўнғироқ билан тугатиш гоёсини илгари суриб, синфда кўчма ёки стационар кўнғироқдан фойдаланган. XX асрга келиб, кўнғироқнинг анча такомиллашган тури – электр кўнғироқлар кенг тарқалди.

XIX асрда инглиз муҳандиси Уильям Стержен биринчи электромагнитни яратди. Шундан кейин Иоган Вагнер ва Кристиан Нифф тебраниш болгасини ихтиро қилди. Бу – электр кўнғироқнинг пайдо бўлиши учун муҳим ихтиро эди. Шу тарзда электр кўнғироқдан амалиётда кенг фойдаланишга ўтилади.

Сўнги кўнғироқни 25 май санасида нишонлаш 1948 йилда Россияда бошланган. Бу анъана Краснодар шаҳридаги 182-мактаб директори Фёдор Брюховецкий ташаббуси билан йўлга қўйилган. Шунингдек, бипимлар кўни, мактабда навбатчи синфларни ташкил қилиш, 1-синф ўқувчилари учун алифбо билан хайрлашиш каби



анъаналарни ҳам Фёдор Брюховецкий олиб кирган. Кейинчалик бу гоёлар бутун иттифоқ бўйлаб ёйилган ва уларнинг аксари ҳозиргача давом этади.

## “Америкача битирув кўни” қандай ўтади?

Америкада 1920 йилларда сўнги кўнғироқ чалингандан кейин битирувчилар саёҳатга чиқишган. 30 йилларга келиб, Америкада битирувчилар саёҳат, ўйин ва мусобақалар ташкил қилиб, битирув кўнини нишонлашни бошлаган. Ҳозир Америкада мактабда битирув кўнини ташкил этиш Америка Таълим Кенгаши томонидан тартибга солинади. Бунда таълим муассасалари риюя қиладиган кўрсатмалар бор. Байрамлар стадион, майдон ва очик ўтлоқда ўтказилади. Сўнги кўнғироқ кўни битирувчиларнинг 5 дақиқача кечикишига руҳсат берилган.

Шунингдек, битирувчилар, қора халат ва академик бош кийимида диплом олишади: уларни кузатиш учун ота-она ва яқинлари ҳам байрамга ташриф буюришади. Маросим якунида битирувчилар бош кийимларини тепага улоқтиришади.

## Ўқув қуроллари билан хайрлашув ва сўнги мадҳия

Японияда ҳам ўқув йилининг тугаши катта воқеа саналади. Бу кунда бутун мактаб спорт ёки фаоллар залида йигилади. Маросим Япония байроғига

таъзим билан бошланади, сўнгра мактаб мадҳияси янграйди. Битирувчилар мадҳияни мактабда охири марта куйлаётганига урғу беришади. Байрам давомида бирма-бир чақирилиб, уларга диплом берилади.

Хитойда ўқув йили якунланадиган кунда битирувчиларга жуда кўп нарсага руҳсат берилади. Масалан, ўқувчилар мактаб деразаларидан дафтар, қалам, чизғич каби ўқув қуролларини ташлайдилар. Албатта, бунда байрамдан кейин ерга улоқтирилган нарсаларни йиғиштириб олиш ҳам шарт қилиб қўйилади.

## Битирув кўнида оқ қалпоқчалар

Дания ва Швецияда ҳам ўқишнинг сўнги кўни ўзига хос нишонланади. Қизлар оқ либос, йигитлар оқ кўйлак ва костюм кияди. Мактабда битирувчига тантанали равишда махсус оқ қалпоқча берилади. Қалпоқчанинг ички қисмига барча синфдошларнинг исми ёзилган бўлади. Қалпоқ ҳошиясидаги ранглар битирувчининг қанча имтиҳонлардан ўтганлигини билдиради. Масалан, қалпоқ ҳошиясининг қизил бўлиши ўрта даража, қора бўлиши эса аъло даражани англатади. Шу кўни Дания ва Швеция шаҳарлари ҳам битирувчилар ихтиёрида бўлади. Тантанали қисмдан сўнг синфлар шаҳар атрофида очик автобусга чиқиб, ҳар бир синфдошнинг уйда тўхташади. Ота-оналар битирувчиларни меҳмон қилади, деразадан уларга конфет улоқтиради.

Норвегияда сўнги кўнғироқ кўнидан олдин битирувчилар кўк ёки қизил комбинезон кийишни бошлайди. Бу битирувчи синфларнинг махсус кийим-боши ҳисобланади. Шаҳарларда битирувчилар паради бўлиб ўтади. Бундан ташқари, битирувчилар кичик синфлар учун ўз ташриф қоғозларини ҳам тайёрлайдилар. Уларда битирувчи расми, шиорлар ва иқтибослар бўлади.

Германияда ҳам битирув кўни байрам қилиниб, мамлакатнинг айрим жойларида битирувчилар ўзларидан эсдалик сифатида мактаб боғига гул ва дарахтлар экишади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



**Vaziyat**

газетаси

Муассис:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Фавқуллода  
вазирлар  
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.  
Азамат СУЮНОВ

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
сахифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба кўни чиқади  
Топшириш вақти 15:00.  
Топширилди — 15:00

Навбатчи:  
А.ҚОБИЛОВ

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изох берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуктаи назаридан фарқганили  
мумкин

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон-  
Мафҳум ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январьда 0096 рақам  
билан рўйхатга олинган  
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:  
100084, Тошкент шаҳри  
Ки-ик ҳалқа йўли, 4-уй  
Тел.: (71) 231 96 71  
Телеграмм: (90) 016 87 67

Индекс:  
якка обуначилар ва  
ташқиқотлар учун 382

Газета  
"BUSINESS PRINT DESIGN"  
босмахонасида босилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри  
Сўғалли ота қўчаси, 5-уй,  
Ўзиртма IV  
Бичилма АЗ ҳажми: 2,0 бл.  
Адаби 6630 нуска